



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

3 МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР 3

LOOK TO THE PAST
SPECIAL ISSUE 3



ТОШКЕНТ-2022

Бош мухаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош мухаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори,
профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари
университети

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Аширов Адхам Азимбаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Агзамова Гулчеҳра Азизовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика
университети

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори,
Тошкент кимё - технология институти

Дорошенко Татьяна Ивановна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент,
Азербайжон давлат
иқтисодиёт университети

Гофоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори, профессор
Самарқанд давлат университети

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори, профессор,
Қариши муҳандислик-иқтисодиёт
институти

Теймураз Ахалмосулишвили
тарих фанлари номзоди, профессор,
Телави давлат университети

Халикова Рахбар Эргашевна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Эшов Боходир Жўраевич
тарих фанлари доктори, профессор
Қариши давлат университети

Махкамova Надира Раҳмановна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент ахборот технологиялари
университети

Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна
тарих фанлари доктори, доцент,
Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари доктори
Ўзбекистон Фанлар академияси

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Джоробекова Айнуэр Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Қозоғистон дипломатия академияси

Раҳмонкулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Расулов Абдуллажон Нуриддинович
тарих фанлари доктори, профессор
Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори, профессор
Санкт-Петербургда Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори, профессор,
Қозоғистон давлат тарихи институти

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори, профессор,
Қозоғистон Миллий университети

Хайдаров Муродилла Махмудалиевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Алнева Лале
тарих фанлари доктори,
Озарбайжон давлат университети

Саниова Камола Давляталиевна
тарих фанлари доктори, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори,
Догистон мустақил университети

Иноятова Диларам Маниглиевна
Тарих фанлари доктори (DSc)
Ўзбекистон Миллий университети

Одилов Аброр Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Толибоева Нодира Одилжоновна
Тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), Ўзбекистон жаҳон
тиллари университети

МУНДАРИЖА | СОДЕРЖАНИЕ | CONTENT

1. Раҳбархон Муртазаева ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ.....	6
2. Дилором Бобожонова ЎЗБЕК ОИЛАЛАРИДА ТИББИЙ МАДАНИЯТНИ ОШИРИШ, СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ.....	17
3. Баҳодир Эшов ҚАДИМГИ ШАҲАРЛАР ШАКЛЛАНИШИНИНГ ТАҲЛИЛЛАРИ.....	26
4. Зумрад Раҳмонкулова МАҲМУД АМИН АФАНДИ “ИСТАНБУЛДАН ЎРТА ОСИЁГА САЁҲАТ”.....	34
5. Манзура Аминова ИБН ХОЛДУН ИЛМИЙ МЕРОСИНИНГ ЗАМОНАВИЙ АҲАМИЯТИ.....	41
6. Тўлқин Ахмедов ТУРКИСТОНДА БИРИНЧИ РУС-ТУЗЕМ МАКТАБИ: МАЪМУРИЙ ЭҲТИЁЖ ЁКИ МАДАНИЙ ЯҚИНЛАШУВ ЗАРУРИЯТИ?.....	48
7. Мансур Бойсариев ОЗАРБАЙЖОН ДИАСПОРАСИ ВАКИЛЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМ-ФАНИ ТАРАҚҚИЁТИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ.....	56
8. Фируза Жуманиязова ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА ХОРАЗМ ХОТИН-ҚИЗЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ ҲАЁТДАГИ ФАОЛЛИГИНИНГ ДАВРИЙ НАШРЛАРДА АКС ЭТТИРИЛИШИ (1941–1945 йиллар).....	64
9. Мухаммаджон Исамиддинов АНТИК ДАВР ЁЗМА МАНБАЛАРИДА САМАРҚАНД ТАРИХИНИНГ ЁРИТИЛИШИ.....	70
10. Бахыт Кошанов, Хакимбай Отегенов, Гулчехра Ержанова ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ТАРИХШУНОСЛИГИНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ.....	79
11. Shohruhbek Mamadaliyev TURKISTON SHAHARALARIDA OCHLARGA YORDAM KOMISSIYASI FAOLIYATI TARIXIDAN.....	87
12. Gulnora Maxkamova XX ASR SAMARQAND KASHTALARI: XILLARI, USLUBLARI, ORNAMENT REPERTUARI (SAMARQAND DAVLAT MUZEYI NAMUNALARI MISOLIDA).....	93
13. Уктамжон Мансуров VI – XI АСРЛАР СУҒД ЁЗМА ЁДГОРЛИКЛАРИНИНГ ТАРИХИЙ МАНБА СИФАТИДА ЎРГАНИЛИШИ.....	100
14. Шоназар Матякубов XVI- XVIII- АСРЛАРДА ХИВА ХОНЛИГИ ҲУНАРМАНДЧИЛИГИНИНГ АСОСИЙ СОҲАЛАРИДАН БИРИ-КУЛОЛЧИЛИК ТУРИ ТАВСИФЛАРИ.....	105

15. Отабек Махмудов «МИЛЛИЙ ТАРИХ» ВА «ТАРИХ ТАЪЛИМИ»ДА «ЖАҲОН ТАРИХИ»НИНГ АҲАМИЯТИ (лотин тилли тарихий манбалар ва замонавий ўзбек илмий адабиётининг қиёсий таҳлили медиевистик талқинда).....	109
16. Sayyora Mirsoatova, Aхrorbek Muxsidinov O‘ZBEKISTONDA MEZOLIT DAVRI YODGORLIKLARINING O‘RGANILISHI HAQIDA.....	122
17. Зухра Ражабова ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ СИЙМОСИННИНГ ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШДАГИ АҲАМИЯТИ.....	128
18. Мафтуна Рузикулова ФАРҶОНА ВОДИЙСИНИНГ МЕЛИОРАЦИЯ ВА ИРРИГАЦИЯ ИШЛАРИ ТАРИХИДАН (1950 – 1970).....	134
19. Хасанбой Рахматиллаев ҚАДИМГИ ВА ИЛК ЎРТА АСРЛАР ДАВРИ ЭТНИК ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ МУАММОЛАРИ ҲАҚИДА.....	139
20. Lutfiya Salomova AVSTRALIYA MILLIY ARXIVI FAOLIYATI HAQIDA.....	144
21. Наргиза Сейтимбетова ҚОРАҚАЛПОҶИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОЗОҚ МИЛЛИЙ МАДАНИЙ МАРКАЗИ.....	148
22. Shaxnoza Tursunova O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASINING BENILYUKS DAVLATLARI BILAN XALQARO MUNOSABATLARINI RETROSPEKTIV TAHLILINING AYRIM JIHATLARI.....	156
23. Икромжон Умаров КЎҲИТАНГТОҶ ҚИШЛОҚЛАРИНИНГ ҲУДУД БЎЙЛАБ ЖОЙЛАШУВ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА АҲОЛИНИНГ ЭТНИК ТАРКИБИ.....	161
24. Ма’мура Umarxodjayeva, Zilola Shodmonxo`jayeva, Nodira Xasanova O‘ZBEKISTON TARIXI DAVLAT MUZEYINING NOYOB XAZINASIDAN.....	174
25. Санъат Худайбергенов ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧИДА ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ ХОРИЖИЙ ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ.....	178
26. Ҳабиба Ҳасанова 1917-1924 ЙИЛЛАРДА ТУРКИСТОН МИНТАҚАСИДА БОСМАХОНАЛАРНИНГ ТЕХНИК ҲОЛАТИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР.....	186
27. Ра’но Qodirova 1936-1937 YILLARDA O'ZBEKISTON SSR MAKTABLARIDA TARIX FANINING O‘RGANILISHI (M.Asimov hisobot materiallari asosida).....	192


28. Қосим Қосимов ШАРҚИЙ БУХОРОДА ҚИЗИЛ АРМИЯГА ҚАРШИ МИЛЛИЙ ОЗОДЛИК ҲАРАКАТЛАРИ.....	196
29. Ислом Қаршиев МУТАФАККИР СЎФИ ОЛЛОЁР ҚАРАШЛАРИДА ТАСАВВУФИЙ ҒОЯЛАР ТАҲЛИЛИ.....	203
30. Гулжаҳон Шайдуллаева ХАРАППА МАДАНИЯТИ ЁДГОРЛИКЛАРИДАН ТОПИЛГАН ОКС ЦИВИЛИЗАЦИЯСИГА ХОС БЎЛГАН МОДДИЙ МАНБАЛАР ТАҲЛИЛИДА МАДАНИЙ ВА САВДО АЛОҚАЛАРИ.....	209
31. Fotima Shirinova, Zumrad Kosimova XX ASRNING 20-30-YILLARIDA SOVET HOKIMIYATINING O'ZBEKISTONDA YURITGAN SIYOSATI, UNING MONIYATI VA OQIBATLARI. SIYOSIY QATAG'ONLIK.....	222
32. Юлдаш Юлдашев ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ДАВЛАТ АРХИВИ 555-ФОНДИНИНГ АРХИВ МАНБАШУНОСЛИГИ ТАҲЛИЛИ.....	230
33. Акмал Якубов ХИВА ХОНЛИГИНИНГ ТАШҚИ САВДО МУНОСАБАТЛАРИ (Дашти қипчоқ мисолида).....	237
34. Акмал Якубов ХИВА ХОНЛИГИ ВА ҚОЗОҚ ЖУЗЛАРИ (ўтроқ ва кўчманчилар ўзаро алоқларининг негизлари).....	246
35. Лазизахон Алиджанова ДИНИЙ ТАЪЛИМОТЛАРДА ТИББИЁТГА ОИД ИЖТИМОИЙ ҚОИДАЛАР ТАҲЛИЛИ.....	256
36. Дилрабо Қурбанова ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕКИСТОНДА ГЕНДЕР ТЕНГЛИК СИЁСАТИ.....	264
37. Камола Саипова УРУШ ДАВРИДАГИ ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ БАҒРИКЕНГЛИК КЎРСАТИШИ.....	274
38. Аҳадулла Раҳматуллаев ТУРКИСТОНДАГИ МАҲАЛЛИЙ ЎЛКАШУНОС ВА КОЛЛЕКЦИОНЕРЛАР ФАОЛИЯТИ.....	280
39. Азамат Ктайбеков ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ЎЗГАРИШЛАР (2000-2016).....	288
40. Гулнора Худойберганава “АСКЕТИЗМ” ТУШУНЧАСИ ВА ДИНЛАРДА АСКЕТИК АМАЛИЁТЛАРГА МУНОСАБАТНИНГ ТАҲЛИЛИ.....	293



Дилором Бобожонова,
тарих фанлари доктори, профессор

ЎЗБЕК ОИЛАЛАРИДА ТИББИЙ МАДАНИЯТНИ ОШИРИШ, СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ

For citation: Dilorom Bobojonova, IMPROVING MEDICAL CULTURE IN UZBEK FAMILIES, FORMING A HEALTHY LIFESTYLE PROBLEMS. Look to the past. 2022, Special issue 3, pp.17-25

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.7483017>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақола ўзбек оилаларида тиббий маданиятни ошириш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, шунингдек, эрта турмуш ва эрта туғруқнинг салбий оқибатлари, жумладан, айрим оилаларда қизларни эрта турмушга бериш натижасида келиб чиқадиган салбий оқибатлар ҳамда бунда содир бўладиган иллатлардан ижтимоий ҳимоялаш борасидаги янги дунёқарашни шакллантириш, фожиали ҳолатларнинг олдини олишдаги ижтимоий омилларни аниқлаш, унинг салбий оқибатларидан жабрланган ўсмир ёшдаги қизларнинг ижтимоий аҳволини ўрганиш борасидаги амалий фаолияти натижаларини таҳлил қилиш ва таклифлар ишлаб чиқиш, ўзбек оилаларида қизларни эрта турмушга беришга бўлган муносабатни ўзгартириш каби долзарб масалаларга бағишланган. Ўзбекистонда қизларни эрта турмушга бериш ҳамда бўлажак оналарни соғлом туғруқ, хусусан туғруқдан олдинги ҳамда кейинги жараёнларга руҳан ва жисмонан тайёрлашда оналар, қайноналар дунёқарашини тубдан ўзгартиришнинг миллий жиҳатларини тарғиб қилиш, мавжуд салбий ҳолатларнинг оқибатларини ўрганиш жараёнида олиб борилган маълумотлар билан ёшларни таништириш ҳамда уларни бу каби ижтимоий иллатларга қарши туришга ундаш, шунингдек, унинг салбий оқибатларидан хабардор қилишга йўналтириш асосий мақсад қилиб қўйилган.

Калит сўзлар: оила, тиббий маданият, соғлом турмуш тарзи, эрта турмуш, никоҳ, эр-хотин муносабатлари, туғруқ ёши, хавfli туғруқ, репродуктив саломатлик, оилавий муаммолар, нотўлиқ оила, гўдаклар ўлими, ёлғиз она, қайнона-келин, бахтли оила, ажралишлар, ногирон болалар.

Дилором Бобожонова,
доктор исторических наук, профессор

ПРОБЛЕМЫ ПОВЫШЕНИЯ МЕДИЦИНСКОЙ КУЛЬТУРЫ В УЗБЕКСКИХ СЕМЬЯХ, ФОРМИРОВАНИЕ ЗДОРОВОГО ОБРАЗА

АННОТАЦИЯ

В данной статье основное внимание уделяется вопросам развития медицинской культуры в узбекских семьях, формированию здорового образа жизни и нового взгляда к негативным последствиям ранних браков и ранних родов, в частности, к тяжелым

последствиям раннего замужества девочек в некоторых семьях, а также выявлению социальных факторов для предупреждения трагических ситуаций, возникающих при ранних браках, анализируются практические меры предпринимаемые для защиты несовершеннолетних девушек, пострадавших от последствий подобных браков, предлагаются способы решения подобных проблем, изменению отношения к ранним бракам девушек в узбекских семьях. Основная цель статьи, пропаганда национальных аспектов кардинального изменения мировоззрения матерей и свекровей в процессе раннего замужества девушек Узбекистана, психологическая и физическая подготовки будущих матерей к здоровым родам, особенно дородовым и послеродовым процессам, а также ознакомить молодежь с информацией, полученной в процессе изучения последствий сложившихся негативных ситуаций и побуждать их противостоять такому социальному злу, а также направлять их к осознанию его негативных последствий.

Ключевые слова: семья, медицинская культура, здоровый образ жизни, ранний брак, брак, супружеские отношения, детородный возраст, опасная беременность, репродуктивное здоровье, семейные проблемы, неблагополучная семья, младенческая смертность, мать-одиночка, свекровь, счастливая семья, разводы, дети-инвалиды

Dilorom Bobojonova,
doctor of history, professor

IMPROVING MEDICAL CULTURE IN UZBEK FAMILIES, FORMING A HEALTHY LIFESTYLE PROBLEMS

ABSTRACT

This article focuses on increasing medical culture in Uzbek families, forming a healthy lifestyle, as well as the negative consequences of early marriage and early childbirth, including the negative consequences of early marriage of girls in some families, as well as new social factors in the prevention of social protection situations that occur in this case. identification, analysis of the results of the practical work on studying the social condition of adolescent girls affected by its negative consequences, and development of proposals are devoted to such urgent issues as changing the attitude to early marriage of girls in Uzbek families. To promote the national aspects of radically changing the worldview of mothers and mothers-in-law in the process of early marriage of girls in Uzbekistan and preparing future mothers for a healthy childbirth, especially before and after childbirth, and to introduce young people to such social ills. The main goal is to encourage resistance, as well as to inform about its negative consequences. worldview formation, tragic

Index Terms: family, medical culture, healthy lifestyle, early marriage, marriage, marital relationship, childbearing age, dangerous pregnancy, reproductive health cable family problems, dysfunctional family, infant mortality, single mother, mother-in-law, happy family, divorces , disabled children

1.Долзарблиги:

Мустақиллик йилларида амалга оширилаётган кенг кўламли тиббий ислохотлар натижасида аҳолининг ўртача умр кўриш кўрсаткичи узайди. Оналар ва болалар ўлими уч барабар камайди. Тиббиётнинг бирламчи бўғинини кучайтириш, айниқса, қишлоқ ва маҳаллаларда тиббий хизматни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чоралари кўрилди. Жумладан, бирламчи бўғинда умумий амалиёт шифокори штат бирлиги ўрнига оилавий шифокор ва унга ёрдамчи сифатида 5 нафар ўрта тиббиёт ходимидан иборат “тиббий бригадалар” ташкил этилди. Бироқ, тизимда эришилаётган ютуқлар, тиббиёт ходимлари томонидан олиб борилган саъй-ҳаракатларга қарамасдан, ўзбек оилаларида қизларни эрта турмушга бериш оқибатида ҳаётдан барвақт кўз юмаётган ёш оналар ва болалар ўлими ҳамон учраб турибди. Бу эса, соғлом авлодни тарбиялаб вояга етказиш учун аввало, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, одамлар ўртасида соғлом турмуш тарзи тамойилларини

кенг тарғиб этиш нафақат тиббиёт соҳаси, балки бутун жамиятимиз олдидаги долзарб вазифадир”[1.30].

Ўзбекистондаги оилаларда қизларни эрта турмушга бериш ва у билан боғлиқ равишда юзага келадиган эрта туғруқнинг салбий оқибатларининг жамият ижтимоий-иқтисодий ҳаётига таъсири ҳамда ушбу салбий оқибатларнинг олдини олиш масаласининг таҳлили илмий ва ижтимоий аҳамиятга эгадир. Мавжуд муаммоларни ўрганиш хотин-қизлар манфаатларини ҳимоя қилувчи нодавлат нотижорат ташкилотларнинг бу борадаги фаолиятлари сушт эканлиги, муаммони тўлиқ қамраб ололмаётганлиги ва унинг туб илдизларини бартараф этиш йўллари самарасиз эканлигини исботлади.

Айниқса, гендер тенглик сиёсати устувор масалага айланган бир пайтда, Ўзбекистонда гендер тенгликка эришиш стратегиясининг қабул қилиниши, шунингдек, ушбу масалада бир қатор қонун ҳужжатлари, хусусан, 2019 йилда “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолотлари тўғрисида”ги, “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунларнинг қабул қилиниши, шулар жумласидандир. Хотин-қизлар учун 197 та зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш, ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш марказлари, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш бўйича 200 дан ортиқ инновацион мактаблар ташкил этилди. Эркаклар ва аёллар учун никоҳ тузишнинг минимал ёши ўн саккиз ёш этиб белгиланди. Барча ҳудудларда аёлларни қийнаётган муаммоларни аниқлаш бўйича манзилли ишлар олиб бориш учун янги тизим – “Аёллар дафтари”ни жорий этилди”[2.54]. Президент Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, “кейинги пайтда “темир дафтар”, “аёллар дафтари”, “ёшлар дафтари”, “маҳаллабай” ва “хонадонбай” ишлаш усуллари айнан шу мақсадда жорий этилмоқда. Шу асосда муаммога оид мавҳум кўрсаткичлар эмас, балки ёрдам ва кўмакка муҳтож ҳар бир оила ва фуқаронинг, хотин-қизлар, ёшларнинг муаммолари ўз жойида аниқ ўрганилмоқда, улар вақтида ва самарали ҳал этилмоқда”[3.21]. Айниқса, Президент Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон мустақиллигининг 31 йиллик тантаналарида сўзлаган нутқида “соғлиқни сақлаш тизимида аҳолига янада сифатли ва малакали тиббий хизматлардан фойдаланиш имкониятини кенгайтирамиз”, деб таъкидлагани тиббиёт соҳасига оид қабул қилинган кўплаб дастурлар, фармойиш, қонун ва қарорларнинг нечоғлиқ халқ учун, уларнинг соғлом турмуш кечиришлари учун қилинаётган муҳим чора-тадбирлар эканлигини кўриш мумкин. хусусан, 2018 йил 20 августда қабул қилинган қонунда ўзбек оилаларида эрта турмуш ва эрта туғруққа бўлган муносабатни ўзгартиришнинг муаммоларини бартараф этиш назарда тутилган бўлиб, унда келажакда аёлларнинг никоҳдан ажралган ҳолларда ўзлари яшаб турган хонадон мулкдорининг уй-жойидан фойдаланиши, мазкур уй-жойга ўзининг фарзандларини ҳам кўчириб киритиш ҳуқуқини вужудга келтириши ҳамда оилавий ажримлар пайтида юзага келадиган можароларнинг олдини олишга хизмат қилиши назарда тутилган. Зеро, Президент Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек: “Оила ва жамият устуни ҳаётимизнинг файзи ва кўрки бўлган хотин-қизларни эъзозлаш, уларга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш халқимиз учун азал-азалдан буюк қадрият бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади”[4]. Оила ҳаёт абадийлиги, авлодлар давомийлигини таъминлайдиган, халқимизнинг муқаддас урф-одатлари сайқал топадиган, келажак авлод камолотига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғидир. Ўзбекистон Конституциясининг 63-моддасида “Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга. Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлилигига асосланади”[5.21], дейилган. Мазкур тамойил асосида мамлакатимизда оилани ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш, унга моддий ва маънавий кўмак бериш чоралари кўрилмоқда. Бугунги кунда давлат ва жамият бошқарувида аёлларнинг ўрни ва мавқеини янада мустаҳкамлаш кераклиги уқтирилган Президент Мурожаатномасида, шунингдек, “мамлакатимизда истиқомат қилаётган 17 миллиондан зиёд опа-сингилларимиз, қизларимиз, онахон ва момоларимизга муносиб шароит яратиб бериш учун барча имкониятларни ишга солишимиз лозим” [6], деган вазифа қўйилди.

Эрта турмуш ва эрта туғруқ ҳолатлари оқибатлари масаласи Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2021 йил 25 январдаги йиғилишида муҳокама қилинди.

Унда мазкур муаммолар ва бошқа салбий демографик тенденциялар бўйича тадқиқотлар олиб бориш бўйича илмий мавзулар рўйхати шакллантирилмаганлиги, илмий тадқиқотлар олиб бориш учун давлат грантлари ажратилмаганлиги таъкидланди. Айниқса, маҳаллаларда, таълим муассасаларида амалий ишлар қилиниши, давра суҳбатлари ва ижтимоий сўровномалар асосидаги илмий хулосалар орқали муаммонинг ечимига янги ёндоқнинг амалга оширилиши долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Бугунги кунда тобора чуқурлашиб бораётган ушбу муаммонинг ҳуқуқий жиҳатига ҳам жиддий эътибор қаратиш, хусусан, оила қуриш истагидаги ёшларнинг туғилажак фарзандлар олдига ота-оналик масъулиятини янада ошириш, бунинг учун, энг муҳим ҳужжат бўлган, никоҳ шартномасига уларнинг эҳтимолий ажрим натижасида келиб чиқадиган жавобгарлигини белгилайдиган шартлар киритиш кераклигини ҳам илмий нуқтаи назардан асослаб бериш зарур. Ана шу мақсадларни ўз ичига олган ҳолда, бугунги кунда тадқиқот ишларини кенг миқёсда олиб бориш долзарб масалалардан ҳисобланади.

2.Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мазкур мавзуда ўрганилаётган илмий мақолада маълумотларни тизимлаштириш, муаммоларни комплекс умумлаштириш, таҳлил ва даврлаштириш, тарихийлик, ҳолислик тамойиллари кабилар, шунингдек, солиштирма ва комплекс таҳлил, даврлаштириш каби усуллардан ҳам кенг фойдаланилган.

Янги даврга келиб, жаҳон ҳамжамиятида юз берган ўзгаришлар натижасида ижтимоий дунёқарашнинг ҳам ўзгариши жараёнида инсон омили устувор аҳамият касб этиб, тобора янгиланаётган Ўзбекистонда хотин-қизларга нисбатан муносабат масаласи тубдан ўзгарди. БМТ томонидан қабул қилинган халқаро ҳужжатларда хотин-қизларнинг иқтисодий ва сиёсий мавқеини яхшилаш, профессионал саводхонлигини ошириш, соғлиғини муҳофаза қилиш, тенгликнинг барча шакллари таъминлаш вазифалари белгилаб берилди ва бу ўз ўрнида ижтимоий ҳимоя қилишнинг замонавий механизмларини ишлаб чиқиш мақсадида махсус тадқиқотлар олиб бориш заруратини келтириб чиқарди.

Айниқса, хотин-қизлар гендер тенглигини таъминлашнинг ижтимоий жиҳатларини очиб бериш борасида гендер тадқиқот лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш, этика назариясини ривожлантириш, олимлар, нодавлат ношаро ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари орқали ижтимоий сиёсат истиқболларига алоҳида аҳамият қаратилган йўналишларда ҳам тадқиқотлар ўтказилмоқда. Бу борада ҳам Президент, “ислоҳотларимизни фаол қўллаб-қувватлаб, уларни амалга оширишда доимо фидоийлик кўрсатиб келаётган меҳнаткаш, олижаноб ва бағрикенг халқимизга чин дилдан таъзим қиламан”, дейиш билан хотин-қизларни ижтимоий жиҳатдан ҳам қўллаб-қувватлашини билдирди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда хотин-қизлар масаласининг умуминсоний ва миллий жиҳатлари, улар ҳуқуқларининг таъминланишига оид янги ёндоқ ва қарашлар қатор соҳа олимлари томонидан тадқиқ этилган бўлиб, жумладан, Убайдуллаева Р.А., Холматова М.Х., Муртазаева Р.Х., Сафаева С.Х., Каримова М.С., Маткаримова Г.А. Ҳамраева Ш.Х., Давирова Г, Ғаниева Г.Ж, Бакиева М.К, Ҳасанова Н.М, Джураева Н.Д., М.М.Балтабаева ва бошқалар ушбу масалаларни илмий таҳлил этганлар.

Ҳозирги кунда жаҳон миқёсида хотин-қизлар масаласида мутлақо янги ёндоқ ва қарашлар асосида илмий изланишлар олиб борилмоқда. Хусусан, Европа тадқиқотчилари ва бошқа хорижий тадқиқотчилар хотин-қизлар ҳаётида вужудга келган муаммоларнинг амалий ва назарий ечимларини излаш масалалари билан муваффақиятли шуғулланиб келмоқдалар. Улар ўз тадқиқотларида Ғарб жамиятига тегишли икки кутб “Оила” ва “Касбий фаолият” ўртасида тортишиш кучларининг ўзгариши билан боғлиқ бўлган тенденцияларни ижтимоий сўровномалар асосида ўрганиб, бугунги кунда аёллар ва эркекларнинг кўпчилиги оилавий муаммолар гирдобига тушиб қолганлигини аниқлаб, ўрганмоқдалар ва илмий таҳлил этмоқдалар.

Тадқиқотларда қизларни эрта турмушга бериш оқибатида келиб чиқадиган нохуш ҳолатларга қарамасдан, хотин-қизлар ўзларининг интилишлари натижасида маънавияти,

ахлоқи, билими, салоҳияти билан оила ва жамият тинчлиги, мамлакат тараққиётига муносиб хисса қўшиб келаётганликлари илмий нуқтаи назардан асослаб берилган.

Ўзбек оилаларида қизларни эрта турмушга беришнинг ижтимоий муаммо эканлиги, оналарнинг ўсмир қизларини эрта турмушга беришларининг олдини олиш борасидаги янгича дунёқарашни шакллантирувчи, оилаларда бу каби ҳолатларнинг олдини олишдаги ижтимоий омилларни аниқлаш масаласи ҳозирда долзарб бўлиб қолмоқда. Қизларни эрта турмушга бериш каби иллатлар натижасида келиб чиқадиган салбий оқибатлардан жабрланган ўсмир ёшдаги қизларнинг ижтимоий аҳволини ўрганиш, хотин-қизлар манфаатларини ҳимоя қилувчи фуқаролик институтларининг эрта туғруқнинг салбий оқибатларидан жабрланган ўсмир ёшдаги қизларни ижтимоий ҳимоялаш борасидаги амалий фаолияти натижаларини илмий нуқтаи назардан таҳлил этиш талаб этилади. Шунингдек, эрта турмуш, эрта туғруқ муаммолари ва бошқа салбий демографик тенденциялар бўйича тадқиқотлар олиб бориш бўйича илмий мавзулар рўйхати шакллантирилиши, илмий тадқиқотлар олиб бориш учун давлат грантлари ажратилиши бугунги кунда ниҳоятда муҳим масала эканлигини ҳам таъкидлаш жоиз.

3. Тадқиқот натижалари:

Ўзбекистонда қизларни эрта турмушга беришнинг ижтимоий муаммолари ва эрта туғруқнинг салбий оқибатлари ҳақида ўсмир, катта ва кекса авлод оналари ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориш, сўровномалар ўтказиш ва таҳлилий натижалар асосида чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, оилаларда қизларни эрта турмушга бериш масаласида оналар ва қайноналар дунёқарашини ўзгартириш назарда тутилган илмий муаммолар ечимида катта аҳамият касб этади.

Ўзбек оилаларида эрта турмуш ва эрта туғруқнинг олдини олишнинг ижтимоий муаммолари масаласи ҳамда унга яқин ва алоқадор бўлган мавзулардаги тадқиқот ишларини ўрганиб чиқиш ва таҳлил этиш натижасида ҳали бу борада кўп ишлар қилиниши лозимлиги кўзга ташланади. Шунингдек, эрта турмуш қуришнинг салбий оқибатлари масаласи психологик нуқтаи назардан ҳам тадқиқ этилган ижтимоий-гуманитар фанлар йўналишида қатор илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган, бироқ, бу соҳада ҳам катта ишлар қилиши зарур эканлигини таъкидлаш жоиз.

Президент Ш.Мирзиёев томонидан: ”Юртимиз аҳолисининг қарийб ярмини ташкил этадиган мухтарама оналар, опа-сингилларимизнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини ошириш борасида давлат сиёсатини олиб боришда биз айнан ана шундай қадриятларга таянамиз” [7.59], – дея таъкидланиши республикада хотин-қизларнинг ижтимоий ҳимояси борасида амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятини очиб беради.

Ўзбекистонда хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизими самарадорлигини оширишнинг инновацион модели бўйича олинган илмий натижалар асосида: “Ижтимоий ҳимоя”, “Хотин-қизларни ижтимоий фаоллаштириш”, “Ижтимоий ҳимоя тизимида имманент ёндашув”, “Ижтимоий ҳимоя субъектларининг ижтимоий-интеллектуал капитали”, “Хотин-қизларга жамиятда ижтимоий, иқтисодий ўзгаришлар драйвери сифатида ёндашув” тушунчаларининг ижтимоий ҳаракатга йўналтирувчи социологик таърифидан “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ-561-сон Қонунининг назарий асоси сифатида фойдаланилган. Бу аёлларни жамиятдаги зўравонликлар ва тазйиқлардан муҳофазалашнинг ҳуқуқий асосларини мукамал даражада ишлаб чиқиш ва қабул қилиш имконини берганлиги, Беш муҳим ташаббус хотин-қизларни ижтимоий муҳофаза қилиш ва уларни фаоллаштиришнинг самарали йўлидир. Ана шундай салбий иллатларнинг олдини олиш мақсадида хотин-қизлар қўмитаси томонидан соғлиқни сақлаш тизими ва бошқа тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда “Соғлом оила”, “Соғлом турмуш”, “Репродуктив саломатлик”, “Бола парвариши” каби мавзуларда қўллаб-давра суҳбатлари ва учрашувлар ўтказилган.

Республика ҳудудларида аёлларни қийнаётган муаммоларни аниқлаш мақсадида киритилган янги тизим “Аёллар дафтари”га боқувчисини йўқотган, меҳнатга қобилиятсиз,

ногирон болалари мавжуд ёлғиз аёллар, касалликка чалинган, ҳуқуқий ёрдам олишга, психологик маслаҳатга муҳтож хотин-қизлар, асосан тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган, ижтимоий муаммолари мавжуд хотин-қизлар киритилади. Мазкур муаммонинг объекти сифатида республиканинг олти та маъмурий-худудий минтақаларидаги вилоятлар шаҳар ва туманларидан танлаб олинган худудлардаги маҳалла фуқаролар йиғинларига қарашли эрта турмуш ва эрта туғруқдан азият чеккан оилалар ўрганилади. Эрта турмуш қуриш натижасида туғилган носоғлом, имконияти чекланган, ногирон фарзандлари бор оналарнинг руҳий ҳолати ва ижтимоий муаммолари чуқур ўрганилиб, унинг сабаб ва оқибатлари ҳар томонлама илмий таҳлил қилинади. Кекса, ўрта ва ёш авлод оналари ўртасида социологик сўровномалар ўтказилиб, асосий эътибор эрта турмуш қуришнинг давомийлигини камайтириш ва эрта туғруқнинг олдини олиш масаласида респондентларнинг фикрларини таҳлил қилишга қаратилади. Олинган таҳлиллар асосида илмий хулосалар қилинади, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилади. Оилаларда эрта турмушдан азият чеккан, ажралишлар натижасида ёлғиз яшаётган оналарнинг моддий ва ижтимоий аҳволи худудлар кесимида ўрганилиб, қиёсий таҳлил қилиниб борилади.

Бугунги глобаллашув даврида оила мустаҳкамлигини таъминлаш мақсадида, Президент Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек: “Оила ва жамият устуни ҳаётимизнинг файзи ва кўрки бўлган хотин-қизларни эъзозлаш, уларга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш халқимиз учун азал-азалдан буюк қадрият бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади” [8]. Ана шу муқаддас даргоҳ мустаҳкамлиги ва унда оилавий бахтга эришиш учун аёл оила устуни бўлиб хизмат қилади. Оила қуриш инсон ҳаётидаги энг масъулиятли ишлардандир.

Таъкидланишича, йигит-қизларнинг турмуш қуриш ёши оила мустаҳкамлигига таъсир кўрсатувчи асосий омиллардан биридир. Афсуски, айрим ота-оналар кўпинча фарзандининг келажак тақдири, бахт-саодати ҳақида ўйламай, ҳали балоғат ёшига етмаган қизини узатиш ёки қариндошимнинг қизи бегона бўлмасин, деб ўғил уйлантириш тараддудига тушади. Бунинг оқибатида, қизларни 16, ҳатто, ундан кичик ёшда турмушга узатиб юбориш ҳоллари учраб туради. Аммо, бу кўп ҳолларда бўлғуси онанинг саломатлиги ва руҳиятига, қолаверса, ёш оиланинг мустаҳкамлиги, туғилажак фарзанднинг соғломлигига салбий таъсир кўрсатади.

Бугун ҳам айрим оилаларда қиз болани 16-17 ёшларда турмушга бериш ҳоллари учраб турибди. Ушбу ёшдаги қиз болада биринчидан, маънавий даражаси, меҳнатга, атрофдаги одамларга муносабати ҳамда воқеликни таҳлил эта олиш хусусияти шаклланаётган бўлади. Бу ёшдаги ўсмир қиздан оила, қайнона, қайнотага муносабат ва бурчини талаб қилиш мумкин эмас, албатта. Иккинчидан, суяги қотмаган қизга оналикдай машаққатли меҳнат оғирлик қилади. Соғлом онадан соғлом бола дунёга келади, деб бежиз айтилмаган.

Қиз бола учун 21-22 ёшда турмушга чиқиш табиий биологик хусусиятдан ташқари, маънавий ва маданий ривожланиш талабига мос келади. Булажак она эгаллаган маълумотига хос касб маданиятини ҳам ўзлаштирган бўлади.

Қиз болани оқила, тадбиркор, ва гўзал хулқ, ёрқин тафакур эгаси қилиб камол топтириш ота-оналар билан кенг жамоатчиликнинг вазифасидир. Шундагина соғлом, хонадон илдизи мустаҳкам оилалар кўпаяди. Жамият равнақ топади. Президент Ш.Мирзиёевнинг асосий мақсадларидан бири ҳам айнан “халқимиз соғлом ҳаёт кечирishi ва ўртача умр кўриш даражасини узайтиришга эришиш” дан иборатдир.

Буюк жадидчилар намояндаси Фитрат ёш авлодни тўлақонли тўғри йўлдан тарбияламасдан жамиятни ислоҳ қилиш, унинг ривожини тараққиёт сари йўналтириш мумкин эмас, миллат тақдири унинг оиласининг ҳолатига боғлиқ, деган ғояни илгари суради: “ҳар бир миллатнинг саодати ва иззати, албатта, шу миллат оилаларининг интизомига таянади. Қерда оила муносабати кучли интизомга таянса, мамлакат ва миллат ҳам шунча кучли бўлади” [9.32-37], деб ёзган эди Фитрат. Аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини оммалаштириш, тиббий маданиятни ошириш ва ёшларнинг никоҳга оид тушунчаларини кенгайтириш, эрта никоҳнинг олдини олиш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада “Оила” илмий-амалий маркази ва унинг 14 та худудда олиб бораётган саъй-ҳаракатларига қарамай, репродуктив

саломатлик талабларига зид равишда яқин қариндошлар ўртасида никоҳ, ёш, вояга етмаган қизларни барвақт турмушга узатиш ҳоллари ҳамон кузатилмоқда.

Тараққийпарвар маърифатпарварлардан бири Абдулла Авлоний “Тарбияни кимлар қилур? Қайда қилинур?”- деган саволга “Биринчи уй тарбияси. Бу она вазифасидур”[11.37],– деб жавоб берган эди. Ҳақиқатдан ҳам, миллат тарбиясига биринчи навбатда оналар масъулдир. Яна бир маърифатпарвар Абдурауф Фитрат “миллат оналари тарбия ва илм олишлари лозим, ахлоқ ва билимларини камолга етказишлари зарур”[12.98], –деган эди.

Жадидлар “хотин-қизларни жамиятнинг тўлақонли аъзолари сифатида қабул қилмасдан, оила масаласини тўғри ҳал қилмасдан, ёш авлодни тўғри йўлда тарбияламасдан туриб, жамиятни ислоҳ қилиш, унинг ривожини тараққиёт сари йўналтириш мумкин эмас, охир оқибатда миллат тақдири унинг аёллари ва оиласининг ҳолатига боғлиқдир”[13.375],– деб, ўз ҳаракатлари давомида эзгу ғояларни ҳаётга татбиқ этиш учун курашдилар.

Бугунги кунда скрининг текширувлари натижалари шуни кўрсатмоқдаки, болалардаги турли хил аномалиялар, айниқса, асаб тизими ва генетик нуқсонлар айнан, ота-оналар етарли тиббий билим ва тушунчага эга бўлмасликлари оқибатидир. Аммо, айримлар қизларни эрта турмушга беришнинг салбий оқибатларини кўриб-била туриб, шошма-шошарлик ва ўзбошимчалик билан қарор қабул қилиши натижасида, носоғлом фарзандлар дунёга келади, оилалар ўртасида совуқчилик пайдо бўлади, ёш келин-куёв руҳий тушкунликка тушиб қолади. Кимнингдир ўйламай қилган хатоси туфайли ёш оилалар бузилиб кетади, келин-куёвларнинг ҳаёти издан чиқади, жамият ҳаётида ажрим ҳолатлари кўпаяди.

Никоҳ-азалий ва абадий тушунча бўлиб, инсоният наслининг давом эттирилишини таъминлаши ва шу насл давомчиларининг соғлом фарзандлар бўлишларини таъминловчи маросимдир. Ота-боболаримиз қудачиликда бўлғуси қуда томоннинг етти пуштини қандай касаллик билан оғриганликларини жисмоний ва ақлий баркамолликларини суриштириб билишлари бўлғуси оиланинг фарзандлари соғлом туғилишини таъминлаган. Ёш оилада фарзандсизлик, ўлик туғилиши ёки нуқсонли, ногирон фарзанд туғилиши қанчалик фожиали ҳолат. Бу – нафақат битта оиланинг фожиаси, балки бутун жамиятнинг ҳам фожиасидир[14].

Жамият ҳаётида рўй бераётган бундай нохушликларнинг олдини олиш борасида республикада катта ишлар қилинмоқда. Айниқса, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Қўшма қарори билан Ўзбекистон Республикаси профессионал таълим муассасалари ва академик лицейларнинг ўқувчи-ёшларига бирламчи тиббий-санитария ва профилактик ёрдам кўрсатиш ҳамда реабилитация тадбирларини ташкил этиш тартиби тўғрисида йўриқнома, қолаверса, Соғлиқни сақлаш, халқ таълими ва маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирликлари ўртасида 2020 йил 24 августда “Ўзбекистонда вояга етмаган қизлар орасида эрта туғруқ ҳолатларининг олдини олиш, туғиш ёшидаги аёллар репродуктив саломатлигини сақлаш юзасидан тизимли ҳамкорликни кучайтириш тўғрисида”ги Қўшма қарори тасдиқланиб, ижрога йўналтирилган. Умумтаълим мактаби, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари учун “Соғлом турмуш тарзи асослари” бўйича махсус дастур ишлаб чиқилган. Эрта турмуш, эрта туғруқ, абортлар ва оилавий ажримлар тўғрисидаги статистик маълумотлар www.stat.uz ва www.gender.stat.uz расмий веб-сайтларига жойлаштириб борилган. Оилавий ажралишларнинг олдини олиш, оилаларнинг мустаҳкамлигини таъминлаш ҳамда уларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш масалаларига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш ҳамда Ўзбекистон Республикасида 2021–2025 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш концепцияси лойиҳасини ишлаб чиқиш юзасидан белгиланган вазифалар бажарилиши борасида ишларни ниҳоясига етказишлар иборат муҳим вазифалар турибди. Буларнинг бари бугунги кунда жамият ҳаётида рўй бериши мумкин бўлган салбий ҳодисаларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

4. Хулосалар:

Хулоса қилиб айтганда, ҳар бир ота-она ўз фарзандининг бахтли бўлишини истайди, албатта. Лекин қизимни тезроқ турмушга берсам, хотиржам бўлардим, деган нотўғри қараш билан қайсидир маънода ўз ҳаловатини ўйлайдиган, фарзандининг ўқишни давом эттириши

ёки эгаллаган касби бўйича ишлашига тўсқинлик қиладиган ота-оналар ҳам йўқ эмас. Мана шундай ота-оналарга тушунтириш мақсадида барча шаҳар ва туманлар, қишлоқ ва маҳаллаларда мутахассислар иштирокида аҳоли вакиллари билан мунтазам давра суҳбатлари ташкил этилмоқда. Ушбу тадбирларда қиз болани барвақт турмушга бериш ва эрта фарзанд кўриш натижасида келиб чиқадиган салбий оқибатлар, никоҳдан олдин тиббий кўрикдан ўтиш зарурлиги борасида тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Оилаларда соғлом муҳитни мустаҳкамлаш, қизларни эрта турмушга беришнинг олдини олиш мақсадида хотин-қизлар кўмиталари раислари, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари томонидан жойларда олиб борилаётган кенг кўламли ишларга қарамай, ҳамон нохуш ҳолатлар давом этмоқда.

Аҳоли орасида қизларнинг катталар, айниқса, ота-она раъйига қарши бормаслиги одатга айланган. Кўпинча қизларни эрта турмушга бериш натижасида келиб чиқадиган нохуш ҳолатларнинг қайд этилишига ана шу ҳолат сабаб бўлмоқда. Бунинг олдини олиш мақсадида мактаб, коллеж ўқувчилари билан эрта турмушга чиқиш ва унинг салбий оқибатлари каби мавзуларда давра суҳбатлари, маънавий-маърифий тадбирлар, очиқ мулоқотлар ўтказилмоқда. Нохуш ҳолатлар кўпинча ота-оналарнинг хоҳиш-истагига кўра бўлаётганини ҳисобга олиб, бу масалада маҳаллалар ролини кучайтиришга эътибор қаратилмоқда. Шу билан бирга, 2020 йилнинг 16 декабрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши томонидан аниқланган камчиликларни бартараф этиш борасида мутасаддиларга кўрсатмалар берилганлиги, хусусан, оилавий ажримларнинг олдини олиш, оилаларнинг мустаҳкамлигини таъминлаш ҳамда уларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш масалаларига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш зарурлиги ҳам таъкидлангани бу борада катта ишлар олиб борилаётган дарак беради. Бунда ёшларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, уларнинг эр-хотин муносабатлари ҳақида батафсил маълумотларга эга бўлишини таъминлаш мақсадида мажбурий ўқув курсларини бепул асосда жорий этиш, никоҳланувчи шахсларни давлат соғлиқни сақлаш муассасаларида бепул асосда бепуштлиқ юзасидан тиббий кўрикдан ўтказишни ташкил қилиш, шунингдек алиментнинг минимал миқдорини “боланинг ҳаёт кечириши минимуми” миқдорига белгиланган ҳолда боланинг ёши ва ота-оналарнинг даромадидан келиб чиқиб, алиментнинг яқуний миқдорини аниқлашда индивидуал ёндашиш тизимини жорий этиш кабиларни назарда тутиш мақсадга мувофиқлиги ҳам қайд этилганлиги муҳим аҳамиятга эгадир.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Шавкат Мирзиёев. Янги Ўзбекистон демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланмоқда. – Toshkent Toshkent:O'qituvchi MU MCHJ, 2021.– Б.30. (Shavkat Mirziyoyev. New Uzbekistan is becoming a country of democratic change, wide opportunities and practical work. - Tashkent Tashkent: Teacher MU LLC, 2021.– P.30.)
2. Шавкат Мирзиёев. Янги Ўзбекистон стратегияси.–Тошкент:Ўзбекистон, 2021.–Б.54. (Shavkat Mirziyoyev. Strategy of the new Uzbekistan. – Tashkent: Uzbekistan, 2021. – P.54.)
3. Шавкат Мирзиёев. Янги Ўзбекистон демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланмоқда. – Toshkent Toshkent:O'qituvchi MU MCHJ, 2021.– Б.21.(Shavkat Mirziyoyev. New Uzbekistan is becoming a country of democratic change, wide opportunities and practical work. - Tashkent Tashkent: Teacher MU LLC, 2021.– P.21)
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Халқаро хотин-қизлар байрамига бағишланган учрашувдаги нутқи//XXI ASR, 2018 йил 8 март. (Speech of the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev at the meeting dedicated to the International Women's Day // XXI Century, March 8, 2018.)

5. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 63-модда.–Тошкент:Ўзбекистон, 2017.–Б.21. (The Constitution of the Republic of Uzbekistan. Article 63. – Tashkent: Uzbekistan, 2017. – P.21.)
6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси //Халқ сўзи, 2020 йил 29 декабрь. <https://president.uz/uz/lists/view/4057> (Address of the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev to the Oliy Majlis of December 29, 2020 // People's speech, December 29, 2020. <https://president.uz/uz/lists/view/4057>)
7. Шавкат Мирзиёев. Янги Ўзбекистон демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланмоқда. – Toshkent Toshkent:О'qituvchi MU MCHJ, 2021.– Б.59. (Shavkat Mirziyoyev. New Uzbekistan is becoming a country of democratic change, wide opportunities and practical work. - Tashkent Tashkent: Teacher MU LLC, 2021.– P.59.)
8. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Халқаро хотин-қизлар байрамига бағишланган учрашувдаги нутқи//XXI ASR, 2018 йил 8 март. (Speech of the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev at the meeting dedicated to the International Women's Day // XXI Century, March 8, 2018.)
9. Абдулҳамид Фитрат. Оила. – Тошкент:Маънавият, 2000. – Б. 32-37. (Abdulhamid Fitrat. Family. - Tashkent: Manaviyat, 2000. - P. 32-37.)
10. Яқин қариндошлар никоҳига доир мулоҳазаларда нозик нуқта бор/Жамият, 2019 йил 25 февраль.<https://xs.uz/uzkr/post/yaqin-qarindoshlar-nikohiga-doir-mulohazalarda-nozik-nuqta-bor> - Поиск (bing.com). <https://xs.uz/uzkr/post/yaqin-qarindoshlar>. (There is a thin point in the comments on the marriage of close relatives / Society, February 25, 2019.<https://xs.uz/uzkr/post/nozik-nuqta-bor-in-the-comments-on-the-marriage-of-close-relatives> - Poisk (bing.com). <https://xs.uz/uzkr/post/yaqin-qarindoshlar>.)
11. А.Авлоний. Танланган асарлар. 2 жилдлик. 2-жилд.–Тошкент: Маънавият. 1998. –Б.37. (A.Avloniy. Selected works. 2 volumes. Volume 2. - Tashkent: Spirituality. 1998. –P.37.)
12. Абдуҳамид Фитрат. Оила ёки оила бошқариш тартиблари.– Тошкент: Маънавият. 1998. –Б.98. (Abduhamid Fitrat. Family or family management procedures.– Tashkent: Spirituality. 1998. –P.98.)
13. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Иккинчи китоб.–Тошкент: Шарқ, 2000. –Б.375. (New history of Uzbekistan. Uzbekistan during the Soviet era. The second book. – Tashkent: Sharq, 2000. –P.375.)
14. Обидов З. Соғлом бўлай десангиз. Яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг зарарлари. <https://ok.ru/group/53107221921915/topic/62579943374971> (Obidov Z. If you want to be healthy. Damages of marriage between close relatives. <https://ok.ru/group/53107221921915/topic/62579943374971>)



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

3 МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР 3

LOOK TO THE PAST
SPECIAL ISSUE 3

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Тадқиқот город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000